O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 18 март, № 53 (3852) Шанба



Наврўз — халқимизнинг азалий байрами. У минг йиллардан бери нишонланиб келинаётган қутлуғ шодиёна. Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан мазкур байрамнинг халқ сайли сифатида ўтказилишига аҳамият берилиши элу юрт дилидаги айни гап бўлди. Шу туфайли, жойларда, жамоат ташкилотларида Наврўз байрами муносабати билан турли анжуманлар, учрашувлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Маърифат масканида шодиёна

Кеча пойтахтимиздаги Республика Давлат болалар кутубхонасида "Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!" шиори остида ана шундай адабий-мусиқий анжуман уюштирилди. Ёш доирачиларнинг "така туми", 426-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг жозибали рақслари билан бошланган кечага, 64-мактабнинг ўқувчилари баҳор ва Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари, шеърлари билан янада файз бағишладилар. Айниқса, Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ҳамда Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази ўқувчиларининг чиқишлари тадбир мазмунини янада бойитди. Жажжи ўғил-қизларнинг ўзбекона урф-одатларни қойилмақом тарзда акс эттиришлари эса йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Наврўзга бағишланган тадбирнинг бу ерда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, "Оқибат" маҳалласининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Зокирова. — Наврўз баҳона қадимий урф-одатларимизни, аждодлардан мерос анъаналарни ёш авлод онгига сингдиришнинг аҳамияти катта. Кутубхона билан маҳалламиз ўртасидаги доимий ҳамкорлик замирида ҳам ўсмирлар тарбиясига эътибор қаратиш асосий вазифамизга айланган.

Бола қалби беғубор бўлади. Уларнинг даврасида, энг аввало, ана шу маъсумликни ҳис қиласан киши. Наврўз байрами катта тайёргарлик ва кўтаринкилик билан ташкиллаштирилган кутубхонадан қайтар эканмиз, ушбу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлдик.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (сурат),
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Анжуман

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Тошкент Ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда университет мажлислар залида қўмитанинг сайёр илмий-амалий конференциясини ўтказди.

Конференцияда кўзда тутилган мақсад ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштириш борасидаги ислоҳотлар, қонунчилик базасининг такомиллашуви, миллий менталитет, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлашув йўналишида эришилган жаҳон тажрибаси ҳамда мамлакатимизда қилинган, қилинаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар, ахборот глобаллашуви жараёнида унинг назарий ва амалий жиҳатларини муҳокама этишдан иборатдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов, Парламент Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. Сафоев, Тошкент Ахборот технологиялари университети ректори С. Қосимов, Фан-техника маркетинг тадқиқотлари маркази директори ўринбосари Р. Исаев ва бошқа мутахассисларнинг маърузаларида жамиятнинг ахборотлашганлик ҳолати ва унинг ҳуқуқий асослари, хавфсизлиги, глобаллашув жараёнининг ёшлар маънавиятига таъсири, ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва жамиятни ахборотлаштиришда электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзулари атрофлича муҳокама этилди.

Айниқса, жамиятни ахборотлаштириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги халқаро тажриба, шу билан бирга дунёда ахборот хуружлари кескинлашган шароитда миллий қадриятлар ва ўзлигимизни сақлаш ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш хусусида фикрлар катта қизиқиш билан тингланди.

Шунингдек, конференция иштирокчилари республикамизда кейинги йилларда ахборотлаштириш соҳасига оид қатор Қонунлар, Ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси босқичма-босқич амалга ошириб келинаётгани ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг жамиятимизда эгаллаган ўрни тобора юксалиб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бораётганини таъкидлаб ўтдилар.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги компаниялар вакиллари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Пойтахтимиздаги "Radisson SAS Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон" ("MTSFER-U" масъулияти чекланган жамияти)нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

«MTSFER-U» хизматларини таклиф этади

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар кундан-кунга мустаҳкамланиб, икки давлат ишбилармонларига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Россиянинг Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази(ХМИРМ) қарийб 15 йилдирки, нафақат ўз мамлакатида, балки дунёда ўзининг корпоратив мижозларга кўрсатиладиган хизматлари билан катта мавқега эга.

"MTSFER-U" мамлакатимизда асосан учта йўналиш бўйича фаолият олиб боради. Улардан биринчиси нашриёт соҳасида бўлиб, унда ихтисослаштирилган нашр ва китоблар чоп этиш мўлжалланаётир.

Иккинчи йўналиш замонавий ахборот технологиялари соҳасини қамраб олади. Унда корпоротив режалаштириш ва захиралар ҳисобини юритиш, MBS Ахарта дастурий таъминоти негизида корхонани бошқарув тизимларини қуриш, шунингдек, маслаҳатли аудит, штрихли кодлаш орқали мулкни автоматик рақамлаштириш каби кенг миқёсдаги хизматларни ўз мижозларига кўрсатади.

Компания маориф соҳасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

"MTSFER-U"нинг расмий очилиш маросимида вазирлик ва қўмиталар, банкларнинг вакиллари, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари иштирок этишди.

Қобил ХИДИРОВ.

Ҳашардан яшарган бўстонлар

ФАХРИЙЛАР БОҒИ — ШОГИРДЛАР АРМУҒОНИ

Марҳаматнинг нефтчилар шаҳарчаси кўкрак кериб ястаниб ётган сервиқор қир-адирлар пойида жойлашган. Кенгликлар ва юксакликлар бағрида униб-ўсган одамлар елкасидаги қорни бир силтаб, ўрнига ям-яшил либос кийган кўз илғамас баландликлар томон юзланиб, баҳор бизлардан бошланади, дейдилар завқ-шавқ билан.

Кўклам ёмғирларига юзларини чайган, бодому ўрикларнинг гуллари, майсаларнинг ажиб ҳидларига бурканган ҳаводан тўйиб-тўйиб симирган ўша одамлар, ҳар галгидек, бу сафар ҳам баҳорга пешвоз чиқдилар. Айниқса, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда барпо этилаётган «Фахрийлар боғи» устозлар, улар ортидан эргашган ёшлар билан гавжумланиб кетди.

— Биз боғ учун бу юксакликни бежиз танламадик, — дейди ғурур билан меҳнат фахрийси Раҳмонберди ота Худойбердиев. — Қаранг, бутун шаҳарча, чап томонда эса Асака қишлоқлари кафтдек кўринади. Ҳавоси тоза. Ғир-ғир эсган шабада ҳузурбахш. Ёз пайтлари ҳарорат пастдагига қараганда 8-10 даражагача салқин бўлади.

Ёшингиз улғайгач, саломатлигингиздан ташвишланадиган бўлиб қоларкансиз. Бир дарддан қутулсангиз иккинчиси безовта қиларкан. Умрни узайтириш, тик, бардам юриш учун ҳадеб дори-дармонга ёпишавермасдан кўпроқ мана шунақанги баҳаво, табиати ёқимли жойларда дам олган маъқул. Шаҳарчамиз билан боғ оралиғининг баландлиги 550-600 метр. Бу ерга чиқиб тушишнинг ўзиям аслида жисмоний машғулот, оёғингизнинг чигали ёзилади. Томирлардаги қон айланиши яхшиланади, нафас олишингиз тезлашиб, ўпка ҳар қандай дарддан халос бўлади.

«Фахрийлар боғи»даги мўъжаз теннис корти диққатимизни тортди. Спортнинг бу тури ёш танламайди деганларича бор экан.

— Болгариянинг София шаҳрида бўлганимда, — дея хотирлайди Раҳмонберди ота, — шу хилдаги теннис майдончасини кўриб ҳавас қилгандим. Ҳеч қанча маблағ сарфлангани йўқ. Ерни 1,5 метр атрофида ковлаб чим ётқиздик, ўртага тўр тортдик, вассалом.

Биз туман халқ таълими бўлимининг мудири Муҳаммаджон Шоматовнинг таклифи билан қиялаб кетган йўлдан тепаликлар томон илдамладик. Инсон ҳафсала қилса, меҳрини берса қалбидаги яхши ниятлар, орзулар кўклам чечакларига ўхшаб бўй кўрсаталарар экан. Бу баландликларга бульдозер, ҳайдов тракторлари олиб чиқилиб, асрлар бўйи мудраб ётган қирларда ерлар сурилиб, теп-текис ялангликлар яратилибди. Бир қаращда зинапояга ўхшаб кетгувчи кенгликлар шудгорланиб бодом, ёнғоқ, шафтоли, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазилибди. Йўл қирғоқларидан, текислашнинг иложи бўлмаган қияликлардан яқин ўн минг туп терак кўчати ўрин эгаллабди.

— Сув масаласи қандай? — сўраймиз ҳамроҳимиздан.

— Ташвишимиз йўқ, — дейди ишонч билан мудир. — Ҳов кўриб турганингиз тепаликларга қадар қувур тортилган. Насосларни ишга солишни ҳомийларимиз зиммаларига олишди. Тўққиз гектарни эгаллаган боғимизга электр симларим тортиб бўлинди.

Туманда нафақага чиқиб уйда ўтирган кекса муаллимлар 750 нафарни ташкил этади. Вилоят бўйича эса уларнинг сони 5900 нафар.

— Боғни ташкил этишдан мақсад, — ҳикоя қилади вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилмуроджон Раҳматуллаев, — ўша отахон ва онахон устозларни мана шу ерга олиб келиб дам олдириш, саломатликларини мустаҳкамлаш. Унча-мунча сиҳатгоҳ биносидан қолишмайдиган иншоот уларнинг ихтиёрида бўлади. Кенг, ёруғ хоналарда ҳамма шарт-шароит яратилган.

Марҳаматда боқий анъаналаримиздан бири — ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, ободонлаштириш ҳаракати бошланганига анча бўлди. 12, 13, 16, 25-мактабларнинг сўлим боғларида бодом гулларининг ифори таралаётир, 12-мактаб жамоаси томонидан бир гектар майдонда етиштирилган кўчатлар қир-адирлар бағрида боғ-роғлар яратилишига ярабгина қолмай, мактабга мўмай даромад ҳам келтирмоқда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН ИШЛАСИН ДЕБ...

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида парламент нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун ишламаётганлигига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан вилоятда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган семинар-йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди. Унда доридармон, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари солиқ ва божхона идоралари, ҳокимлик вакиллари, тадбиркорлар ҳамда мутахассислар қатнашдилар.

Йиғилишда асосий эътибор қонун ижросини тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилаётган омилларга қаратилди. Вилоятдаги баъзи дорихоналарда сифат сертификати бўлмаган, қалбаки, муддати ўтган дори-дармонлар сотилаяпти. Баъзилари антисанитария ҳолатида лицензиясиз фаолият юритаяпти.

Семинар-йиғилишда қонун ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббускорлик кучаяди

Кеча пойтахтимизда «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари котиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур партиянинг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар анжуман кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Анжуманда кун тартибидаги масалалар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қонун лойиҳаларини тайёрлашда, давлат ва жамият ҳаётига доир долзарб муаммоларни кўтариб чиқишда ташаббускорликни кучайтириши, парламент назорати бўйича ҳудудий ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлаши, қонун ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Пленум ишида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш, қонун ва қарорларни жойларга етказиш, аҳолига уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш — партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари қилиб белгиланди.

Салим ДОНИЁРОВ.

Диққат танлов!

Мурувват изсиз кетмайди

"Экосан" халқаро хайрия ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Энг мурувватли қўшни" республика кўрик-танловини эълон қилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, жамиятимизда меҳр-мурувватга муҳтожлар – етимлар, қариялар, ногиронлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган кишиларга ғамхўрлик қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, асрлар давомида сайқалланиб келаётган оқибатли қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдан иборатдир. Танлов шартларига кўра, иштирокчилар маҳаллаларда болалар майдончалари қуришда кўмаклашишлари, таъмирлаш-тузатиш ишларида моддий ёрдамга муҳтож қўшниларини қўллаб-қувватлашлари, газ ва сув ўлчагичлар ўрнатишда ёрдамлашишлари, умуман мискинларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим.

Мурувват кунлари доирасида эълон қилинаётган ушбу танлов икки босқичда ўтказилиб, Ийд-Рамазон ойида поёнига етади. "Энг мурувватли қўшни" ғолиблари ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирланадилар.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири А.Шайхов мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари каби сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади. Бу борада Япония билан изчил йўлга қўйилган ҳамкорлик, айниқса, ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, меъморий обидалари ва маданий меросига хорижда қизиқиш катта. Жумладан, Япония фуқаролари Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар орасида салмоқли ўрин тутади. Бу Кунчиқар мамлакат халқининг юртимиздаги тарихий обидалар ва осори атиқаларга қизиқиши юқори эканидан далолатдир.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Р.Курбонов семинар иштирокчиларини юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан таништирди.

Ўзбекистонда сайёҳлик бизнеси ривожи учун зарур шароит, тегишли инфратузилма яратилган. Айни вақтда икки юзга яқин меҳмонхона, сайёҳлик масканлари ва кемпинглар фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб санаторий, пансионат ва кичик меҳмонхоналар қурилаяпти.

Семинарда сайёҳликни ривожлантириш борасида Япония тажрибасига бағишланган маърузалар тингланди. Тадбирда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ю.Кусумото иштирок этди.

О.ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири.

Йўл қоидаси — умр фойдаси

Кундалик ҳаётимизни жамоат транспортисиз тасаввур қилиш қийин. Шу билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан созлиги, ҳайдовчининг малакаси, йўл ҳаракати қоидаларга қай даражада амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, ана шу омилларга риоя қилмаслик баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБда бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 28 февралдаги 294-сонли ҳамда 2006 йил 12 мартдаги 303-сонли қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз борди.

Унда йўловчи ташишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш хусусида сўз юритилди. Шунингдек, хусусий тадбиркорлар ва юридик мақомга эга бўлган ташкилотларнинг транспорт хизмати кўрсатишида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, лицензия олишга тегишли масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Тадбир давомида йўловчи ташиш учун тегишли лицензияга эга корхоналар раҳбарлари, йўналишлар сардорлари саволларига мутасаддилар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Б.ҒОФУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЮҚОРИ ПАЛАТА АЪЗОЛАРИ

уйғунлаштирилган умуммиллий ва ҳудудий манфаатларнинг фаол ифодачилари бўлмоғи керак, дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Нағмет АЙИМБЕТОВ.

Сенатор сўз сўрайди

— Нағмет Қаллиевич! Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Президентимиз Сенат ва Сенат аъзоларини ўзларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланмаётганини таъкидлади. Бу гапдан Сиз қандай хулоса чиқардингиз?

— Биз, Сенат аъзолари ҳар томонлама уйғунлаштирилган умуммиллий ва албатта, кун тартибида турган ҳудудий манфаатларнинг фаол ифодачилари бўлмоғимиз шарт. Ўтган бир йил, буни яширишнинг кераги йўқ, биз сенаторлар учун ўз ваколатларимиз ва вазифаларимизни англаб олиш фурсати бўлди. Бешинчи ялпи мажлисда рўй-рост айтилганидек, бу борада хиёл сусткашликка йўл қўйдик. Айни чоғда мен Юртбошимизнинг ялпи мажлисдаги нутқидан шуни аниқ тасаввур этдимки, Сенатимизнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ўзимиз ўйлагандан ўн чандон муҳим экан. Мен бешинчи ялпи мажлисда сўзга чиққанимда Сенат — ҳудудий, минтақавий манфаатлар билан давлат, миллий манфаатларни умумий маҳражга келтирадиган олий ҳокимият институти эканлигини, бу икки функциянинг бирлаштирилган ижроси суверен мамлакатимиз тараққиётининг таянчи бўлишини таъкидлаган эдим. Демак, сенаторлар ўсаётган, ўзгараётган сиёсий ҳаёт билан бирга қадам ташлаши, имкон қадар олдинда юриши керак!

— Фаолиятингизнинг қайси жиҳатларини такомиллаштириш зарур, деб ўйлайсиз?

— Ўтган йил сабоқлари шуни кўрсатдики, биз маълум бир қўмита фаолияти билан чекланиб қолмасдан минтақаларда истиқомат қилаётган фуқароларимизнинг манфаатлари, эҳтиёжлари, талаб ва истакларини ҳимоя қилишда бошқа қўмиталарда, шунингдек, Сенатнинг ялпи фаолиятида яқиндан иштирок этишимиз даркор. Ўзим учун чиқарган яна бир хулоса шу бўлдики, жойларда учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказиш асосида олимлар, малакали мутахассислар, маданият намояндалари, ишбилармон доиралар билдирган фикр-мулоҳазаларни Сенатга мутаносиб равишда етказа олмаётган эканмиз. Ҳолбуки, қонун чиқариш фаолиятида жамоатчилик фикри, ижтимоий жараён муҳим аҳамият касб этади.

— Сенатга Қорақалпоғистон Республикасидан сайлангансиз. Демак, қорақалпоғистонликларнинг манфаатларини ифода қилишингиз лозим. Шу йўналишда амалга оширган ишларингиз ҳақида аниқ бир мисол келтира оласизми?

— Албатта. Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида сўзга чиққанимда қорақалпоғистонлик олимларнинг дилидаги бир гапни айтиб ўтдим. Хусусан, Қорақалпоғистон илм-фани мустақиллик шарофати билан жадал ривожланмоқда. Бир қатор соҳалар бўйича нуфузли илмий мактаблар шаклланди. Аммо бугунги фан тегишли грантлар асосида яшаётганини, фаолият олиб бораётганини, илмга ҳақ тўлашнинг бу усули олимлар меҳнатининг ҳаёти-мамотини белгилаб беришини ҳам унутмаслик лозим. Маълумки, олимларимизнинг грант лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази эълон қилган танлов орқали ҳаётга татбиқ этилади. Аммо бу лойиҳаларнинг тақдирини ҳал қиладиган танлов ҳайъатида, бошқачасига айтганда, экспертлар гуруҳида Қорақалпоғистондан биронбир олим йўқ. Ҳолбуки, биз биоэкология, археология, ихтиология ва бошқа йўналишларда муайян илмий мактабларга эгамиз. Айрим қимматли грант лойиҳаларининг ечимидан сўнг йирик олимларнинг бошқа соҳага, жумладан, олий таълим тизимига ўтиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда. Агар Фан ва технология маркази қорақалпоғистонлик олимлар учун алоҳида минтақавий илмий дастур бўйича лойиҳаларни амалга оширишга имконият яратса, ўйлайманки, бу ҳудудда илмнинг ривожи учун муҳим омил бўлади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наврўз байрами арафасида «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Жиззах шаҳридаги Меҳр-мурувват шаҳарчасида яшовчи 23 та оиланинг ўғил-қизларига совғасалом улашди.

Хайрия жамғармасининг совғалари

Жами 460 минг сўмлик кийим-кечак, ўқув қуроллари, шунингдек, кўзи ожизлар интернат мактабининг 11 нафар ўқувчисига, вилоят туманларидаги 32 та кам таъминланган оилага ҳам тарқатилди. Халқаро жамғарманинг «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда шаҳардаги туғруқ комплексида уюштирган тадбири, айниқса, мазмунли бўлди. Йилнинг келинчак фаслида дунёга келган чақалоқларга, уларнинг оналарига бағишланган маданий тадбир сўнгида янги туққан оналарга қуруқ сут, болалар сочиқчалари, буклетлар тарқатилди. Бунинг учун фақат ҳомийлар томонидан 258 минг сўм ажратилди.

Ўз мухбиримиз.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Умумбашариятнинг фахри

Бугун жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академияси қолдирган бой меросни ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ғурур ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш борасидаги вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Зеро, мазкур академия Хоразм элининггина эмас, балки бутун Турон халқи, қолаверса, умумбашариятнинг фахридир.

Адабиётшунос олим Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Маъмун академияси" рисоласи Юртбошимизнинг "Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, Хива шаҳрининг 2500 йиллигида сўзлаган табрик нутқи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида ёзилган бўлиб, ўқувчиларда халқимизнинг кучли ва кўп қиррали салоҳияти ҳақида тўлиқ тушунча ҳамда тасаввур пайдо қилади.

Г. ҲУСАНОВА.

Музейлар — тарих кўзгуси

Қашқадарё замини қадимий ёдгорликлар ва осори-атиқаларга бой. Шаҳрисабз шаҳрининг 2700, соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллиги муносабати билан мазкур қимматли маданий мерос атрофлича тадқиқ қилинди.

Бугуни кунда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик жараёнида бу ишлар янада кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Натижада музей фондлари ҳам янги экспонатлар билан бойимоқда.

Республика музейлари директорларининг вилоятда бўлиб ўтган семинар-кенгашида музейлар фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш соҳасидаги вазифалар белгилаб олинди. Қатнашчилар вилоят ўлкашунослик музейи фондининг сақланиши, Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят театри биносида ташкил этилган музей экспонатлари кўргазмаси билан танишдилар, Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейини бориб кўрдилар. Таъмирдан чиқарилаётган Хўжа Абдулазиз мадрасаси, Кўкгумбаз масжиди ҳамда Шаҳрисабзнинг улуғвор меъморий обидалари уларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда сўзга чиққан республика маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари А. Ҳайдаров, "Ўзбекмузей" жамғармаси раиси Н. Ҳабибуллаев ва бошқалар мамлакатимизда музейлар фаолиятини ривожлантиришда амалга оширилган ишлар ҳақида гапирдилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Вақт ранглари»

Республика Дизайн коллежи кўргазмалар залида таниқли мусаввир Жўра Асроннинг "Вақт ранглари" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ҳамоҳанглик" ижодий маркази ҳомийлигида ташкил этилган ушбу тадбир илк кўклам кунлари таваллуд айёми нишонланаётган буюк мутафаккир Хўжа Аҳрор Валийга бағишланган бўлиб, тадбир давомида олим таълимоти хусусида семинар ва суҳбатлар уюштирилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида эса Дизайн коллежи устоз ва талабаларининг қадимий ва замонавий ўзбек либосларининг баҳорий янги моделлари намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

Сурхон садолари Чилонзорда

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани кўзи ожизлар жамияти маданият саройида "Кўҳна Сурхон садолари" деб номланган концерт бўлиб ўтди.

Унда Термиз давлат университети қошидаги "Жайҳун" фольклор этнографик дастаси қатнашчилари ижросидаги куй-қўшиқлар жонли ижро этилди.

Концерт иштирокчилари қадимий халқ қўшиқларини тинглаш билан бирга, Сурхондарёнинг ўзига хос анъаналари-ю, урф одатларидан ҳам хабардор бўлишди.

Н. ОРИФХЎЖАЕВА.

Марғилон ҳунармандлари

Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Марғилон ҳудудий бўлими Қува, Фарғона, Ёзёвон, Тошлоқ, Охунбобоев туманлари ва Қувасой шаҳридаги уста-ҳунармандларни бирлаштирган.

Марғилон шаҳрини ривожлантириш дастурига асосан ҳунармандларга ўтган йили 50 миллион сўмлик кредит берилди. Мазкур йилда эса уларга 400 миллион сўмлик имтиёзли кредит бериш кўзда тутилган. Бундан асосий мақсад, вилоятда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини очишдан иборатдир.

Анъаналарга ҳамиша содиқ ҳунармандлар ўз сулолаларининг ишларни давом эттирмоқдалар. Кандакорликда Абдуманнон Мадалиев, кўнчиликда Низомиддин Мадаминов, кулолчиликда Абдусалом Маъмуров кўпчиликка устоз. Айни пайтда улар Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига турли совғалар, эсдалик буюмлари тайёрлаш билан машғул.

СУРАТДА: уста кулол Абдусалом Маъмуров.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Ўзбек ва қозоқ халқлари минг йиллардан буён ёнма-ён яшаб келади. Бизнинг орамизга совет даврида ҳам, ундан олдин ва кейин ҳам ҳеч ким қутқу сололмади. Ердан ва сувдан ғавғо чиқармоқчи бўлишди — босиқлик қилдик, биримизни улуғлаб, биримизни камситмоқчи бўлишди — парво қилмадик, Оролимизни қуритиб тамға босишмоқчи бўлишди — хулоса чиқаришда шошмадик, турли хил уйдирмаларни ўйлаб топишди — иғвога учмадик, чегаралар масаласида муаммолар борлигини даъво қилишди — муаммонинг ечимини ўзимиз топдик. Хуллас, иғвогарлар панд еб қолаверишди.

Хўш, бунга сабаб нима? Нега бу икки қўшнининг орасини бузиб, бу икки давлатнинг ўзаро муносабатларига раҳна солиб, қардош халқларнинг ўртасида низо туғдиришнинг, ҳеч бўлмаганда гина-кудурат қўзғашнинг уддасидан чиқишолмади? Чунки уларнинг нафақат тилларию динлари, бозорларию мозорлари, яйловларию ўтловлари, балки азиз авлиёларию алломалари, турмуш тарзларию тақдирлари, ўтмишию келажаги ҳам бир. Улар турли синовларни ҳам бирга енгишди. Бунёдкорлик, яратувчилик ишларида ҳам бирга жавлон уришди. БМТга бирга бир кунда аъзо бўлишди. Халқаро ташкилотлар сафида ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб, бирга ҳаракат қилишди. Жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзлари ва овозларига эга бўлишди. Буларнинг ҳаммаси уларнинг ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстона муносабат ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлади. Бундай давлатлар ва халқларни енгиб, йўлдан оздириб, бировнинг йўриғига юритиб бўлмайди. «Қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан адашмайсан» деган эди ўтган йили Ислом Каримов Нурсултон Назарбоев билан бўлган учрашувда. Қозоғистон раҳбари эса Ўзбекистон раҳбарини дўстим деб атайди.

Гап икки қардош халқнинг синовдан ўтган дўстлиги ҳақида борар экан, Мирзачўлни ўзлаштириш ҳамда Бойқўнғир космодромини бунёд этиш билан боғлиқ улуғвор ишлар биргаликда амалга оширилганлигини асло унутиб бўлмайди. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида биз бу бунёдкорлик ишларининг жонли гувоҳи бўлганмиз. Мирзачўл деганда фақат Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг янги ўзлаштирилган ҳудудларини тушунмаслик керак. Жанубий Қозоғистоннинг Пахтаорол, Жетисой, Киров туманлари ҳам

Мирзачўл ҳисобланади. Ўшанда бу ҳудудлардаги юз минглаб гектар экин майдонлари икки қардош халқнинг ғайрат-шижоати ва мислсиз жасорати билан ўзлаштирилди. Юзлаб километр каналлар қазиш, минглаб чақирим лотоклар ётқизиш, сонсаноқсиз қудуқлар қазиш, ўнлаб янги шаҳар ва туман марказлари қуришнинг ўзи бўладими?

Олтмишинчи йиллар бошида салкам тўрт йил Бойқўнғир космодроми қурилишида қатнашган собиқ ҳарбий қурувчи сифатида шу нарсага гувоҳлик бераманки, жаҳон миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган бу улкан иншоот қурилишига асосан Ўрта Осиёдаги туб миллат вакиллари — бир неча ўн минглаб ҳарбий қурувчилар жалб этилди. Уларнинг аксариятини ўзбек ва қозоқ йигитлари ташкил этарди. Қурилишнинг мураккаб, юқори малака талаб қиладиган участкаларида ҳатто ҳарбий бўлмаган ўзбек ва қозоқ миллатларига мансуб кўплаб мутахассислар иштирок этишди.

Умуман, бугунги кунда Қозоғистоннинг фахри ҳисобланган Бойқўнғир космодроми икки қардош халқнинг синовдан ўтган дўстлиги тимсолидир. Агар бу дўстлик тобора мустаҳкамланиб, янги мазмун-моҳият билан бойиб бораверса, иншооллоҳ оға-ини ўзбек ва қозоқ биргаликда шу ердан коинотга парвоз қиладиган кун ҳам келади.

Ҳозир Ўзбекистонда тахминан бир миллион қозоқ яшайди. Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йилда мамлакатимиздаги қозоқлар сони 803 минг нафар эди. Ўсиш, кўпайиш яққол кўзга ташланиб турибди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида мен Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлганимда Қозоғистондан борган ҳамкасбларим билан учрашиб, бир ҳафта мобайнида деярли ҳар куни икки қўшни давлат алоқалари ва икки қардош халқ дўстлиги ҳақида суҳбатлашдик.

— Биз ўзбек халқининг аҳиллигига қойилмиз, — дейди Қозоғистон тижорат телевидениеси ходими Ойша Кенесбаева. — Сизлар четдан туриб уюштириладиган ҳар қандай фисқи-фасоду иғволарга бир мушт бўлиб қарши тура оласизлар. Оқибатда тинчлигингизга раҳна солмоқчи бўлганлар панд еб қолишди.

Оға-ини бўлиб кетган халққа борди-келди ярашади. Юртбошилар учрашиб туришса яна ҳам яхши. Халқларимиз иноқлиги — уларнинг обрўси. Дўстлигимиз қардошлигимиздек абадий бўлсин. Ишончимиз комил, қозоқ қардошларимиз билан ҳамиша бирга бўлсак, йўлимизда учрайдиган ҳар қандай тўсиқларни биргаликда бартараф этиб, ўлкамизнинг довруғини оламга тараторамиз.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Адабий дўстлик азалдан бир-бирига ҳамкор ва ҳамнафас халқлар муносабатининг ёрқин ифодаси бўлиб келган. Шу маънода, ўзбек китобхонларига яқинда тақдим этилган «Сайра, дўмбирам» қозоқ шеърияти антологияси китоби (F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи)нинг чоп этилиши адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлди.

Шеърий гулдаста

Антологияга машҳур адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ихчам, мазмунли сўзбоши ёзган. Тўпламга Абайдан Абдулла Аймоққача бўлган элликта шоир ва шоираларнинг асарларидан таржималар киритилган. Ҳар бир муаллифнинг қисқача таржимаи ҳоли ва асосий эълон қилинган китобларининг номи, асарлари аввалида берилиши ҳам китобхонни ўша шоир ижоди билан муфассал танишишга хизмат қилади. Юқори техник савияда чоп қилинган тўпламнинг ботиний маъно, моҳияти қандай?

Китобхон тўпламни ўқиб боргани сари қозоқ шеъриятининг тадрижи билан танишади. Бир-бирига ўхшамаган шоирларнинг бадиий маҳорати, шеърий салоҳияти адабиёт мухлисининг кўз ўнгида гавдаланади. Фалсафий мушоҳадаларга бой Абай сатрларидан, дунёга ўзгача нигоҳ билан қаровчи Ўлжас Сулаймон мисраларидаги ўзига хослик, миллий руҳ ифодаси, гўзал бадиий топилмалар, маҳаллий колоритнинг яққол тасвирланганлиги шеърхон кўнглига завқ беради. Мана Абай тасвирида куздаги қозоқ даласи:

Майсаю гул-кўкатлар
йўқ бурунгидай,
Ёш-яланг ҳам сурон солмас,
ҳар ишга шай.
Кексайган
чол-кампирдайин
қовжирамиш
Баргларини тўкиб
бўлган янтоқ, қуврай.

«Куз»

Шокарим Худойбердиев шеърларидаги яхши сўз завол билмаслиги, шоир дунёдан ўтса-да, қалби қоғозда, яъни асарларида қолиши чиройли ифодаланган. Ўзбек ва қозоқ халқларининг илдизи бирлиги, яқин тарихидаги ўхшашликлар бу халқларнинг адабиётида, айрим шоирлари ижодида ҳам муштарак жиҳатлар борлиги оташнафас шоир Мағжан Жумабой ҳаёти ва ижодида кўришимиз мумкин.

Мажмуада ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигини тараннум этувчи, умуман, Ўзбекистон мавзусига бағишланган шеърлар анчагина. Тойир Жароковнинг «Дутор билан дўмбира», Ғали Ўрмоновнинг «Дўст мадҳияси», Ҳамид Эрғалиевнинг «Зарафшон бўйида», «Тағин келдим Тошкентга», Жубан Мўлдағалиевнинг «Тошкент билан кўришганда», Ғафу Қайирбековнинг «Самарқанд», «Улуғбек», Туманбой Мўлдағалиевнинг «Ўзбегим — ўз оғам», Есенғали Равшаннинг «Тошкент оқшоми» каби шеърлари фикримиз тасдиғидир. Бу шеърларда Ўзбекистон тарихи, унинг гўзал шаҳарлари таърифи, ўтган алломалар сиймоси чуқур эҳтиром ила тилга олинади.

Тўпламдаги таржималарнинг муваффақиятли чиқишида, албатта, таржимон иқтидори-ю, тилни яхши билиши асосий омил бўлган.

Хуллас, икки халқ дўстлигининг бадиий ифодаси бўлган ушбу тўплам миллатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши турган гап.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
адабиётшунос, доцент.

Баҳор! Сен фаслларнинг маликаси,
мусаффоси ва илҳақ билан кутиладиганисан.
Сенинг ташрифинг ила олам чирой очади.

Кайфият

Уйғониш айёми, яшариш фурсати

Нафақат тоғу тошлар, қирадирлар, балки тиними йўқ, доим равнақ сари, тараққиёт сари интилаётган, қурашаётган шаҳар, қолаверса кундан-кунга ободонлашиб, янги-янги иншоотлар, энг замонавий кўринишда бунёд бўлиб келаётган кишлоқлар ҳам ўзгача кўриниш касб этади. Баҳор, сен бу сафар ҳам жонажон, азиз, юртимизга, шу ватан фарзандларига тинчлик, хотиржамлик, осуда, фаровон ҳаёт олиб кел.

Яшариш, янгиланиш фасли кириб келиши муносабати билан инсонлар қалбига, онгига эзгу тилаклар, янги ғоя, режалар ҳам кириб келиши бежиз эмас. Зотан, дилларда диёримизнинг равнақига ўз ҳиссасини қўшиш истаги жўш уради. Тўғри, ҳаммаям кашфиётлар яратиши, илм-фан, техника тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олмас, аммо, ўз имконияти, шароитига қараб бирор эзгу ишга қўл урса, масалан ниҳол экса, кўчат ўтказса, кўчаларни ободонлаштиришда қатнашса шунинг ўзи ҳам ватан, жамият равнақи учун ўз ҳиссасини қўшгани эмасми?!

Табиат, мудроқ босаётган эй инсон, сен ҳам уйғон, вақт, умр ўтиб бормоқда, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнингни топишга баҳорий кайфият билан ёндош, интил, кураш, излан, тер тўк деяётгандек, гўё. Ниятимиз шуки, юртимиз янада гуллаб-яшнаб, тараққий этиб, равнақ топиб бораверсин, ватанимиз тинч, хонадонимиз файзу-баракага бурксин!

Дилором АБДУЛЛАЕВА.

Манфаатдорлик

юқори бўлса, ишда, албатта, унум бўлади

"Шўрчидонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятини одамлар қисқа қилиб "Воҳанинг бош тегирмони", дейишади. Ушбу тегирмон бир кунда 600 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эга. 2005 йилда корхонада 20 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг қарийб ярми экспортга жўнатилди.

860 нафар ишчи-хизматчидан иборат улкан жамоа аҳил оилага ўхшайди: ҳар ким ўз иши билан банд. Муҳокамаю тортишувларга вақтлари йўқ. Ортиқча гап-сўз билан бошларини оғритмайдилар. Вақтида бериб бориладиган маошга қўшимча мукофотлар ҳам улашилади. Беморларга, эҳтиёжманд кишиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Байрамлар арафасида ҳам ишчилар алоҳида рағбатлантириб турилади.

— Бундай эътибор руҳимизни кўтариб юборади, — дейди ёш ишчи Икром Тошбоев. — Қилган меҳнатингга яраша шундай қўллаб-қувватлаш бўлса, ишингда ҳам албатта унум бўлади-да.

Ўтган йили корхона ишчиларига шинам спорт мажмуи қуриб берилгани, айниқса, катта ғамхўрлик бўлди. Мажмуада 11 та спорт тўгараги ишлаб турибди. Ишчилар энди бўш вақтларини шу ерда ўтказишлари мумкин, Қолаверса, бу уларнинг соғлиғи учун ҳам фойдали. Спорт тўгарагига ёзилганларга махсус кийим-кечак берилади. Тўгарак машғулотларига тартибли қатнайдиганлар эса ҳатто қўшимча рағбатлантириб ҳам борилади.

— Ишлаб чиқаришда самарадорлик ўсаяпти, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Ҳасан Нурматов. — Аслида самарадорлик деганимиз мақтаниш учун тилга олинадиган омил эмас. Чунки у манфаат манбаи бўлиши лозим. Биз 2004 йил натижаларига кўра, акциянинг бир сўми ҳисобига бир сўм саксон тийиндан дивиденд улашганмиз. 2005 йил якуни бўйича эса, бу кўрсаткич янада юқори бўлди.

Ҳ.Нурматовнинг айтишича, самарадорликдан нафақат акциядор, балки бутун эл манфаат кўрмоқда. Корхонанинг ўз сиҳатгоҳи, оталиққа олган маҳалласи, мактаблари бор. Жамоа Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 25 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатишни кўзлаб турибди. Биз юқорида тилга олиб ўтган спорт мажмуи таркибида эса болалар учун ҳам спорт тўгаракларини очиш мўлжалланмоқда. Сиҳатгоҳни ҳам замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш режалари кўриляпти.

Очиғи, корхонанинг ишлари ҳақида сўз кетганда, илгарилари нуқул технологиялар, тонналар тилга олинарди. Энди-чи? Одамларнинг бошини қовуштириб, уларнинг ўз жамоаси, эл-юрти учун жон койитиб ишлашига рағбатлантирадиган ишлар ҳақида гапириш устувор. Ахир корхонадаги машиналарнинг бир маромда гуруллаб ишлаб турмоғи учун, аввало, одамларда эртанги кунга ишонч, ғайрат-шижоат, ташаббус бўлиши керак-да. Буларнинг ҳаммаси эса меҳнатни рағбатлантиришга боғлиқ.

Олимжон УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳамкорликка чақирди

Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририй ўлими юзасидан текширув олиб бораётган БМТ комиссияси раҳбари Серж Браммерс Сурия ҳукуматини ҳамкорлик қилишга чақирди. Унинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида қайд этишича, расмий Дамашқ текширувларга яқиндан ёрдам берса, комиссия ўз ишини тезроқ якунлайди.

Комиссия раҳбари жорий йил апрелда Сурия президенти Башар Асад билан учрашувни режалаштирган. Комиссиянинг собиқ раҳбари Детлев Мехлис Ҳаририй ўлимида Сурия махсус хизмати ходимларининг қўли борлиги тўғрисида баёнот берганди. Унинг айтишича, Сурия мазкур иш бўйича олиб борилаётган халқаро терговга халақит бермоқда.

Эслатиб ўтамиз, Рафиқ Ҳаририй 2005 йил февраль ойида Байрут шаҳрида бомба портлаши оқибатида қурбон бўлганди.

Инсон умри узайиши мумкин

Олимларнинг таъкидлашларича, ривожланган давлатларда яқин йиллар ичида инсон умрининг ўртача узунлиги 112 йилгача етади. Замонавий тиббиёт ва ген соҳасида инсон умрини узайтириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар самараси бунга тўлиқ шароит яратади.

Мичиган университети олими, тадқиқотчи Ричард Миллернинг айтишича, ҳозирги шароитда инсон умрини камида 40 фоизга узайтириш мумкин.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Экология учун хавфли

Катта саккизлик давлатларининг энергетика вазирлари Москвада бўлиб ўтган учрашувда дунё иқтисодиётида ядро энергетикаси асосий ўрин эгаллашини эътироф

этдилар. Россия саноат ва энергетика вазири Виктор Христенконинг таъкидлашича, XXI асрнинг биринчи ярмида дунё давлатлари анъанавий энергетика манбалари билан биргаликда ядро ёқилғисидан ҳам фойдаланишни кенгайтириб бориши зарур.

Бироқ вазирнинг бу фикрига қаршилар ҳам талайгина. Жумладан, Буюк Британия саноат ва савдо вазири Алан Жонсоннинг таъкидлашича, кўпгина давлатларда ядро энергетикаси тобора кенг қўлланилмоқда ва бу экология учун ўта хавфлидир.

Кенг кўламли ҳарбий операция

Ироқнинг Самарра шаҳрида америкалик ва ироқлик ҳарбийлар ҳамкорликда исёнчиларга қарши операцияни амалга оширмоқдалар. Мазкур ҳарбий ҳаракатларда авиациядан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мамлакатдаги Америка қўмондонлиги вакилининг баёнот беришича, 2003 йилдан буён АҚШлик ҳарбийлар биринчи йирик ҳарбий операция ўтказмоқда.

Манбада айтилишича, ҳарбий ҳаракатлар бошланганданоқ 40 нафарга яқин одам қамоққа олинган ҳамда портловчи моддалар ва ҳарбий кийимлар қўлга киритилган.

Бесамар уриниш

БМТнинг ноқонуний қурол-яроғ савдосига қарши олиб борган барча уринишлари натижасиз тугади. «Индепендент» газетасида БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ёзилган хатда қайд этилишича, БМТ доирасида қурол-яроғнинг ноқонуний тарқалишига қарши олиб борилган чора-тадбирлар дунё давлатлари томонидан қўллаб-қувватланмаган.

Хат муаллифлари қурол тарқалишини чеклаш бўйича жиддий чоралар кўрилишини талаб қилишган. Уларнинг ҳисоблашларича, мазкур масалада аниқ халқаро битим қабул қилиш лозим. Ушбу битим лойиҳаси бўйича 45 та давлатга таклифлар жўнатилган. Россия, АҚШ ва Хитой бу масалани ҳозиргача қўллаб-қувватламаяпти.

Наркобаронлар АҚШга топширилади

Мексика Президенти Висенте Фокс бир ҳафта давомида мамлакатдаги барча наркобаронлар АҚШга экстрадация қилинишини маълум қилди. Los Angeles Times газетасининг ёзишича, АҚШ судлари томонидан уларга нисбатан қидирув эълон қилинганди. Шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, аввал Мексика ҳукумати ноқонуний бизнес билан шуғулланган шахсларни белгиланган жазо муддатларини ўз мамлакатларида ўташини талаб қилганди.

Мексика ҳукумати узоқ йиллардан буён гиёҳванд моддалари савдосига қарши кураш олиб келмоқда. Кураш давомида шу нарса маълум бўлмоқдаки, гиёҳванд моддаси бизнеси билан асосан муҳожирлар шуғулланиб келмоқда ва улар ноқонуний тарзда АҚШ чегараларини бузиб ўтишга уринишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

Жонажон юртимиз аҳли ва меҳмонларини Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилайди!

Байрам муносабати билан доимий мижози бўлган маҳаллалар билан азалий ҳамкорликни янада ривожлантириб ҳамда кам таъминланган оилаларни коммунал тўловларидан бўлган қароздорликларини қисқартириш мақсадида «Маҳалла фидойилари» омонат турини таклиф этади.

Омонатга маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йиғини раислари тавсияси асосида шу маҳалланинг ҳомийлик қилиш истагида бўлган асл фидойилари маблағлари қабул қилинади.

Омонатчилар — маҳалла фидойилари ихтиёрига кўра ҳисобланган фоиз даромадлари маҳалла ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Кейинчалик мазкур фоиз даромадлари маҳалладаги кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилаларнинг коммунал тўловларидан бўлган қарозларини тўлашга йўналтирилади.

Омонатга маблағлар 6 ой муддатга, камида 300 000 сўм миқдорида ва йиллик 36 фоиз даромад тўлаш шарти билан нақд пулда қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Банк тизими

ФЕРМЕРЛАРГА ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

Халқимиз ичида "Оила банки" деган эътирофга сазовор бўлган Халқ банкининг Сирдарё вилоятидаги филиаллари юридик ва жисмоний шахсларга намунали хизмат кўрсатиш борасида аниқ тадбирларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, банкнинг вилоят филиаллари активлари ўтган бир йил давомида 2,1 млрд. сўмга, кредит қўйилмалари 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига 2,0 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда.



Пул муомаласини барқарорлаштириш ва пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасидаги ҳукумат қарорларининг ижросини ўз вақтида таъминлашлари натижасида банк мижозлари ва нафақа олувчиларнинг нақд пулдаги талаби ойма-ой ўз вақтида бажарилиши таъминланди.

Банк жамоаси ўз фаолияти давомида фермер хўжаликларига намунали хизмат кўрсатиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаларини асосий мақсад қилиб қўйган. Ушбу йўналишдаги мақсад бежиз эмас, чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тубдан ислоҳ қилиш, айниқса самарасиз фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш орқали ерга эгалик қилишни адолатли ҳал этиш ҳозирда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган 2005 йил давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилган пахта хомашёсининг 65 фоизи ва ғалланинг 55 фоиздан ортиғини айнан фермерларимиз томонидан етиштирилганлиги фикримизнинг ҳақиқий тасдиғидир.

Бу борада банкнинг Сирдарё вилоят филиалларига масъулиятли ишлар юклатилган, банк тизими ушбу йўналишда доимо изланишда бўлиб, фермерлар учун барча қулайликларни яратиб, намунали хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам, Халқ банкининг қўриқ заминидаги филиаллари фермер ва деҳқон хўжаликларининг доимий ҳамкорига айланган. Бугунги кунда банкнинг 18 та туман (шаҳар) филиаллари ва мини-банклари нафақат жисмоний ва юридик шахсларга, балки мингга яқин фермер хўжаликларига намунали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 400 дан ортиқ янги ташкил этилган фермер хўжаликлари банк филиалларида ўз ҳисоб рақамларини очишди. Айниқса, банкнинг тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида ташкил қилинган Гулистон туманидаги "Бешбулоқ", Сардоба туманидаги "Қўшчинор" ҳамда Сирдарё туманидаги "Бахт" мини-банкларининг кўрсатаётган молиявий ёрдам ва хизмат турларидан фермер хўжаликлари мамнун.

Ўтган 2005 йилда 700 дан ортиқ фермернинг молиявий маблағларга бўлган талабларини қондириш мақсадида 2,4 млрд. сўм, шу жумладан, ғалла учун 170,0 млн. сўмдан ортиқ кредитларнинг имтиёзли фоизлар асосида берилиши таъминланган. Банк филиаллари орқали хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликларинигг барчаси 2005 йил пахта ва ғалла етиштириш режа кўрсаткичларини тўлиқ бажардилар ва ўз навбатида ажратилган молиявий маблағларнинг тўлиқ қайтарилиши таъминланди.

Вилоят банкининг филиаллари томонидан фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан 270 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Хусусан, Ш. Рашидов филиали мижози "А. Қодирий" фермер хўжалигига кўп қаторли чигит экиш мосламаси ва трактор учун 35 млн. сўм узоқ муддатли кредит ажратилган. Кўрсатилган молиявий ёрдам ўз самарасини берди ва бугунги кунда мазкур фермер хўжалиги вилоятдаги илғор фермерлардан бирига айланди. Бундай фермерлар қаторига "Замонмакон", "Юрт", "Нуриддин-А", "Махбул", "Мукораби-дил" ва "Диёр" ҳамда бошқа бир қатор фермер хўжаликларини киритиш мумкин. Уларнинг барчаси банк филиаллари томонидан кўрсатилаётган хизматлардан мамнун бўлиб ўзларининг ижобий фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Вилоят Халқ банки томонидан 2006 йилда пахта ва ғалла етиштиришни режалаштирган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг январь-февраль ойларида иш ҳақи, уруғлик, ёқилғи, фойдаланилган қишлоқ хўжалик техникалари билан ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа мақсадлар учун 790 та фермерга пахта-ғалла етиштириш учун 745,0 млн. сўмдан ортиқ, шу жумладан, ғалла етиштириш учун 80,0 млн. сўмга яқин миқдордаги имтиёзли кредитларнинг ажратилишини таъминлади.

Ҳозирда, аниқроғи, Боёвут туманидаги "Қизил тонг" ҳамда Оқолтин туманидаги "Янглиш-она" фермер хўжаликларини тақдим этган бизнес режалари мукаммал ўрганиб чиқилиб, уларни трактор, экиш мосламалари, культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларга бўлган талабларини лизинг асосида таъминлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирларни йил давомида янада жадаллаштириш режалаштирилиб олинган.

Ўйлаймизки, Сирдарё вилоятида банк томонидан фермерларга ўз вақтида кўрсатилаётган молиявий ёрдам, албатта, ўз самарасини беради ва вилоят Халқ банки бўлимлари томонидан яратилаётган қулайликлар Сирдарё вилоятида фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла етиштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишига замин яратади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Урганч шаҳридаги "Авесто" боғида жойлашган "Олтин мерос" хайрия жамғармаси музейида ҳазрат Навоий қаламига мансуб "Хамса"нинг қадимий нусхаларидан бири сақланмоқда. XIX аср ўрталарида номаълум хаттот томонидан араб имлосининг куфа сулусида кўчирилган нодир қўлёзманинг ҳажми 24х35 см бўлиб, Самарқанд қоғозида битилган.

Хамса — музей хазинаси

Мутахассисларнинг тахминича, китоб Ферузхон даврида Хиротлик хаттотлар томонидан кўчирилган ва 1874 йил Хивада тошбосмада чоп этиш учун қолип андоза вазифасини ўтаган бўлиши мумкин.

— Ушбу китобни музейга марҳум журналист Маткарим Худойберганов топширган, — дейди "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Комилжон Нуржонов. — Маълум бўлишича, у кишининг отаси 1927 йилда араб имлосида ёзилган китобларни Хиванинг Ичон қалъасидаги рамзий қабрлардан бирига яширган. Мустақилликдан сўнг кавлаб олинганда уларнинг муқовалари титилиб, баъзи варақлари намдан зарарланган бўлса-да, ёзувлари тўлиқ сақланган. Хоразм вилоят босмахонасининг матбаачилари уни таъмирлаб, экспонат ҳолига келтирдилар.

Китоб аввалига Хонқа туманидаги Алишер Навоий боғ-музейида 2001 йилдан бошлаб "Олтин мерос" музейида сақланмоқда. Музейга ташриф буюраётган кўплаб адабиётшунос ва навоийшунослар, ҳатто хориждик сайёҳу олимлар ҳам юртимизда аждодлар меросига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан хурсанд бўлиб кетаяптилар.

Ойбекжон ҲАЙИТМУҲАММАД.

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА–БАНК»

Сизни яқинлашиб келаётган қувончли айём —

Наврўз

байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият, ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилайди.

Хурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар !

Тел.: 8 (371) 132-13-18, 133-31-62,

«Наврўзи олам» омонат турини таклиф этади.
Омонат йиллик 28 фоиз ҳисобидан 2 ой муддатга қабул қилинади.
Омонатнинг энг кам миқдори 300 000 сўм.
Ушбу омонатга сиз маблағингизни 2006 йилнинг 1 апрелигача жойлаштиришингиз мумкин.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.

2327R/241

ЎзДЭУ Банк

кўпмиллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари ва барча ҳамкасбларини баҳор айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий қутлайди!

Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

«ONIKS»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг кўркам байрами

Наврўз

барча юртдошларимиз учун қутлуғ бўлсин.

Гўзалликка ташна ҳар бир инсонга ушбу кунда янада кўтаринки кайфият, омад ҳамроҳ бўлсин!



Наврўзи олам муборак, азизлар!

2309R/2722

«ТОШКЕНТ ИККИЛАМЧИ ҚОРАМЕТАЛЛ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Юртимизга кириб келаётган янгиланиш ва уйғониш байрами бўлган

Наврўзи олам

мубораб бўлсин.



Наврўзи олам барчангизга кулгу, шодлик, олам-олам бахт олиб келсин.

2322R/2722

Халқаро анжуман

Тошкентда Dental Salon Uzbekistan-2006 иккинчи Халқаро стоматология форуми очилди. У Ўзбекистоннинг кўргазмалар ўтказишга ихтисослашган "ZarExpo" ва Россиянинг "Dental-Expo" компаниялари томонидан ташкил этилди.

Анжуманда дунёнинг 9 мамлакатидан замонавий стоматология жиҳозлари ва тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ компания иштирок этмоқда.

Кўргазмада денталь имплантологиясининг янги тизими ва ускуналари, жаг-юз жарроҳлиги ва суяк пластикаси учун хомашёлар, турли жиҳозлар, рентген ускуналари, шунингдек, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилишда қўлланиладиган воситалар намойиш этилмоқда.

Ушбу халқаро тадбир доирасида "Стоматологияда янги технология" мавзусига бағишланган иккинчи Халқаро илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилади. Унда Россия, Германия, Швейцариядан келган ҳамда маҳаллий етакчи мутахассислар қатнашади. Икки кун давомида стоматология соҳасини ривожлантиришдаги долзарб муаммо ва йўналишлар муҳокама қилинади.

Замира АЗИЗХОНОВА, "Жаҳон" АА.

Банклар – тадбиркор кўмакчиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда унинг Фарғона вилоят бош бошқармаси биргаликда ўтказган семинар-кенгаш банклар ва тадбиркорлар ҳамкорлиги масаласига бағишланди.

Бу бежизга эмас, албатта. Чунки тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ жуда кўп муаммолар пировард натижада банк тизимига бориб тақалади.

Мамлакатимиз Президентининг ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида чиқарган қатор Фармон ҳамда қарорлари ўртадаги ана шу муносабатни анча соддалаштириш, ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш йўлида муҳим қадам бўлди. Шундан келиб чиқиб, анжуманда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, хорижий кредит линияларини очиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

«ALSKOM»

Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси

alskom

Юртимиз аҳлини

НАВРЎЗ — БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз. Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингиз барқарор ривожланишига кўмак беради, деган умиддамиз.

Айёмингиз муборак, азиз ватандошлар!

O'ZSANOATQURILISHBANK

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК – ТИЖОРАТ «САНОАТҚУРИЛИШБАНК»И

Республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини, акциядорларини, мижозларини ва ҳамкорларини баҳорнинг гўзал байрами –

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан табриклайди.

Ушбу умумхалқ байрамида барчага соғлиқ, саломатлик, ишларида муваффақият, тинчлик ва барқарорлик тилайди ва қуйидаги янги банк хизмати турларини таклиф этади.

Банк томонидан мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида **VISA BUSINESS** халқаро корпоратив пластик карточкалари жорий қилинди. Бу карточкалар юридик шахсларга ва хусусий тадбиркорларга пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур пластик карточкаларнинг афзалликлари шундаки, у орқали корхона ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар учун зарур бўлган барча жиҳозларни, жумладан, **канцелярия моллари, компьютер, телерадио аппаратуралар, автомобиллар учун ёқилғи-мойлаш материаллари, уй-рўзғор буюмлари** каби товарларни ҳамда хизмат сафарлари учун **авиачипталар** сотиб олиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточка эгаларига уяли телефон орқали карточка ҳисобрақамидаги маблағни билиш имкониятини берувчи **SMS-Banking** хизмат турини ҳам таклиф этади.

Уяли телефонга пластик карточка орқали амалга оширилган ҳар бир операция тўғрисида SMS-хабар келади, бу эса пластик карточкаларнинг хавфсизлигини таъминловчи воситалардан биридир.

Маълумот учун телефонлар: 120-45-42, 120-45-46

«Ўзсаноатқурилишбанк» – ишончли банк!

www.uzpsb.uz

"Дўстлик" орденли Навоий кон-металлургия комбинатининг кўпмиллатли жамоаси

Ўзбекистон халқини янгиланиш, уйғониш тимсоли бўлган баҳор байрами –

НАВРЎЗ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Асрлар оша ушбу байрам ўзбек халқининг энг ажойиб анъанаси бўлибгина қолмасдан, балки янги кунни умид, ишонч ва қувонч билан кутиб олувчи кишиларнинг маънавий эҳтиёжига айланди.
"НАВРЎЗ" юртимизга, унинг ҳар бир хонадонига тинчлик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик олиб келсин.

Сизларга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз, ҳаётингизда қувончли ва ёруғ кунлар кўп бўлсин.

Спортсевар қизларга совға

Азиза бошланғич синфларда ўқиб юрган кезларидаёқ спортчи бўлишни орзу қиларди. Опаси Умида каратэ тўгарагига қатнаб, республика, қитъа мусобақаларида ғолиб чиқа бошлагач, унинг изидан борди. Жорий ўқув йилида туман, вилоят мусобақаларининг ғолиби бўлди. Қишлоқдаги тенгдошлари билан республика очиқ турнирига бориб, 15-16 ёшли қизлар беллашувларида 2-ўринни олди.

Жиззах Олимпия захиралари коллежида бўлиб ўтган тадбирга айнан Азизага ўхшаган спортсевар қизлар таклиф этилди. Аниқроғи, маҳалла, ҚФЙлари, туман мусобақаларида фаол иштирок этиб, бир қадар муваффақиятларга эришган қизларга ҳурмат-эътибор кўрсатилди.

Дастлаб улкан спорт мажмуи трибуналини тўлдириб ўтиришган қизлар ва меҳмонлар Олимпия захиралари коллежи спортчиларининг кўргазмали чиқишларини, бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақсларни тинглаб, томоша қилдилар. Туманларнинг узоқ қишлоқларидан келган спортсевар қизлар, уларнинг мураббийлари ширин суҳбатлар қуришиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Шундан сўнг ҳар бир шаҳар, тумандан келган ўн нафардан спортсевар қизга республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят ҳокимлигининг Наврўз айёми билан табриклашди, рўзолди совғалари — спорт кийимлари ва анжомлари топширилди. Республика Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Ачилов, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б. Тўраев ва С. Тўйчиевалар тақдирланган ҳамда спортнинг оммавийлигини таъминлашда жон куйдираётганларни Наврўз айёми билан табриклашди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

маъмурияти 2005-2006 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни буюртмалар асосида иш жойларига тақсим қилишни давом эттираётганлигини маълум қилади ва ҳамкорликда ишлашга чорлайди. Шу муносабат билан сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот, корхона, муассасанинг институтни 2006 йил битирувчи бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёжларингизни 2006 йил 15 апрелгача 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй манзилига (3712) 41-11-80 факс ёки e-mail: tasi info@edu.uz электрон почтамизга битирувчига қўйиладиган талаблар ва бериладиган имтиёзларни, контакт реквизитларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз. Қуйидаги жадвалларда вилоятлар миқёсида институтимизни тугатаётган ёш мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қиламиз.

БАКАЛАВРИАТУРА

Таълим йўналишлари	Жами	Тошкент ш.	Қорақалп. Респ.	Андижон вил.	Бухоро вил.	Жиззах вил.	Қашқадарё вил.	Наманган вил.	Навоий вил.	Сирдарё вил.	Самарқанд вил.	Сурхондарё вил.	Тошкент вил.	Фарғона вил.	Хоразм вил.	Бошқалар
Архитектура	36	29		1		2		1		1					1	1
Дизайн	34	26	1				3					1	1		2	
Иқтисодиёт (қурилиш)	56	29	6		1	2	4	2		1			10		1	
Менежмент (соҳалар бўйича)	34	21				1	4		2				6			
Геодезия, картография ва кадастр	14	7	1					1	2				2	1		
Бинолар ва иншоотлар қурилиши	49	23	3				6	1		2	2	1	7		4	
Шаҳар қурилиши ва хўжалиги	18	11			1		3		1			1	1			
Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	23	16	1		1								5			
Қурилиш материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияси	14	11					1				1	1				
Касб таълими (таълим йўналишлари бўйича)	36	15				2	4		1		1	2	8		1	2
Гидротехника қурилиши	7	4											3			
Жами	**321**	**192**	**12**	**1**	**3**	**7**	**25**	**5**	**6**	**4**	**4**	**6**	**43**	**1**	**9**	**3**

МАГИСТРАТУРА

Мутахассисликлар номи	Жами	Тошкент ш.	Жиззах вил.	Қашқадарё вил.	Наманган вил.	Сирдарё вил.	Самарқанд вил.	Сурхондарё вил.	Тошкент вил.	Хоразм вил.
Амалий геодезия	2	1							1	
Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш	1							1		
Бино ва иншоотлар архитектураси	3	2			1					
Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш	4	2				1			1	
Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши	4	2							2	
Гидротехник иншоотлар	5	3		1					1	
Иситиш, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш	4	4								
Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар	11	8		1					1	1
Қурилиш материалларини, буюмларини ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	7	5							2	
Менежмент (қурилиш)	7	5	1	1						
Реклама ва амалий графика	3	1					2			
Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш	2	2								
Тармоқлар иқтисодиёти (қурилиш)	13	10						1	2	
Тармоқлар иқтисодиёти (шаҳар қурилиши ва хўжалиги)	4	2							2	
Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш	1	1								
Саноат ва хўжалик қурилишини ташкил этиш ва унинг технологияси	2	1						1		
Бино ва иншоотларни қайта қуриш ва таъмирлаш	2	1								1
Шаҳар ерлари кадастри	1						1.			
Ландшафт архитектураси	2	2								
Жами	**78**	**52**	**1**	**3**	**1**	**1**	**3**	**3**	**12**	**2**

2339H/500

«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниясининг «Автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва қуриш бирлашган дирекцияси», ОКПО коди 03969687 тугатилиши муносабати билан кредиторларнинг талаблари дирекциянинг тугатиш комиссияси томонидан эълон чоп этилган кўндан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда —
Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси 68-«А» уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 1992 йили Сирим федерациясига берилган статистика гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Танлов савдосида қатнашиш учун таклиф

Сана: 2006 йил 18 март
Қарз: 1903-UZB "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси
Шартнома №: B3-"Туямуюн" СТИ учун насослар
Муддат: эълон санаси + 60 кун

Ўзбекистон Республикаси томонидан "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банкидан (ОТБ) қарз маблағи олинган. Ушбу қарз маблағининг маълум қисми мазкур танлов савдоси натижасида тузиладиган шартномани молиялаштириш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи (кейинги ўринларда буюртмачи) қуйидаги насос станцияларига насосларни етказиб бериш ва ўрнатиш учун ваколатли компаниялардан муҳрланган танлов таклифларни тақдим этишга таклиф этади:

№	Товарлар	Насослар миқдори
1	Биринчи кўтариш насос станцияси	6
2	Чикинди насос станцияси	3
3	Тиндиргични тозаловчи насос станцияси	3

(Қўшимча маълумотлар ва техник талаблар танлов ҳужжатида берилган)

Халқаро танлов савдоси ОТБнинг бир босқичли, битта конвертли усулида амалга оширилиб, ваколатли давлатларнинг барча қатнашчилари учун очиқдир. Таклифлар фақатгина битта шартнома учун қабул қилинади.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар қўшимча маълумотларни соат 10.00дан 17.00га қадар Иқтисодиёт вазирлигидан қуйида келтирилган манзил орқали олишлари ва ҳужжатларни текширишлари мумкин.

Танлов ҳужжатининг инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини сотиб олиш учун:
- қуйида келтирилган манзилга ариза тақдим этиш;
- қоплаб берилмайдиган 120 000,0 сўм ёки 100,0 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўлаганларидан сўнг берилади:

Миллий валютадаги тўловлар (сўм) учун
Банк номи: "АСАКА" банк
МФО: 00873
ҳисобрақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
ҳисобрақами: 20204000600101021007
ИНН: 200794961

АҚШ долларидаги тўловлар учун
Банк номи: "АСАКА" банк
СВИФТ: ASBKUZ22
ҳисобрақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
ҳисобрақами: 20204840800101021007

Танлов ҳужжатларини тўлов қабул қилингандан сўнг олиш мумкин.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини:
- қуйидаги келтирилган манзилга;
- соат 15.00, эълон санаси + 60 кунгача;
- 39 000 000,0 сўм ёки 32 000,0 АҚШ доллари миқдоридаги банк қафолатлари билан биргаликда тақдим этишлари лозим:

Танлов ҳужжати почта орқали жўнатилиши зарур бўлган ҳолларда талабгорлардан қўшимча 65 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағи олингандан сўнг жўнатилади. Буюртмачи танлов ҳужжатини талабгорларга етказилишида ҳужжатларнинг йўқолиши ва кечикиши учун жавобгарликни олмайди.

Кечикиб тақдим этилган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Танлов таклифлари қуйида келтирилган манзилда, танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларнинг вакиллари иштирокида очилади.

Буюртмачи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

ОТБ танлов ҳужжати қоидаларига мувофиқ танлов таклифларини баҳолаш жараёнида маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи, 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-«А» уй.
Телефон: +998 (71) 132-65-13. Факс: +998 (71) 132-64-97.
Эл. Почта: loan1903@tshtt.uz

2316-16/506

UZBEKISTAN
Invitation for Bids

Date: 18 March 2006
Loan No.: 1903-UZB: Western Uzbekistan Rural Water Supply Project
Contract No: B3 - Pumping Equipment for Tuyamuyun WTW
Deadline: Issue date + 60 days

The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project, and it is intended that part of the proceeds of this loan will be applied to eligible payments under the contract for which this Invitation for Bids is issued.

The ADB Project Management Unit (PMU) under Ministry of Economy of Republic of Uzbekistan, the Purchaser, now invites sealed bids from eligible bidders for the supply, deliveryand install of the pumps to following pumping stations:

Item No.	Goods	Quantity of pumps
1	Intake Pumping Station	6
2	Sludge pumping station	3
3	Sediment Flush Pumping Station	3

(Details and specifications are provided in the Bidding Documents)

International Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's Single-Stage: One-Envelope bidding procedure and is open to Bidders from eligible source countries. Bids will be invited for single contract.

Interested eligible bidders may obtain further information from the Ministry of Economy and inspect the Bidding Documents at the office address given below from 10:00 am to5:00 pm.

Topurchase the Bidding Document in English and Russian, eligible bidders should:
- write to the address below
- pay of a non-refundable fee of Uzbek Soum 120,000.0 or US$100.0 by bank transfer to the following accounts:

For local currency(Soum) Payments:
Bank: ASAKA Bank
MFO: 00873
Account Name: Ministry of Economy
Account Number: 20204000600101021007
TIN : 200794961
For US$ currency payments:
Bank: ASAKA Bank
SWIFT: ASBKUZ22
Account Name: Ministry of Economy
Account Number: 20204840800101021007

The documentation will be available for collection at above address on receipt of the payment.

Bidders must deliver their bids:
- to the address below
- on or before 3:00 p.m. on issue date + 60 days
- together with a Bid Security – Uzbek Soum 39,000,000.0 or USD 32,000.0

The document will be sent by courier services if required, upon payment of $65.00. No liability will be accepted for loss or late delivery.
Late bids shall be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of bidder's representatives who choose to attend.

The Purchaser will not be responsible for any costs or expenses incurred by bidders in connection with the preparation and deliveryof bids.

When comparing Bids, ADB's Domestic Preference Scheme will be applied in accordance with the provisions stipulated in the Bidding Document.

Ministry of Economy, ADB Project Management Unit
45A Uzbekistan Avenue, Tashkent 700003, Uzbekistan
Fax: 998 (71) 132 6497 Tel: 998 (71) 132 6513
E-mail: loan1903@tshtt.uz

2316-16/506

УЙЧИ ТУМАНИДАГИ АБДУВАЛИ МЎМИНОВ НОМЛИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТЧИЛАРИ

жаннатмакон диёримиз аҳлини кўнгли пахтасидек оқ миришкор деҳқонларимизни, қишлоқ хўжалиги тармоғида тер тўкиб ишлаётган барча сафдошларимизни кўҳна ва навқирон

Наврўзи олам билан

самимий табриклайдилар.

Янги кун Шарқда йилнинг бошланиши, деҳқону боғбон, соҳибкору ғаллакор учун ғайрат — шижоат бахш этадиган палладир. Шундай қутлуғ дамда тилакларимиз эзгу: деҳқон баҳори қут-баракали келсин, юртимиз узра тинчлик-омонлик, файзу фаровонлик мудом барқарор бўлсин.

Ёзувчи ўтган дарс

«Очиқ эшиклар куни» доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан пойтахтимиздаги 64-мактаб ўқувчиларининг ижодий учрашуви уюштирилди.

Адиб ўзининг «Алвидо, болалик» қиссаси ҳақида гапириб, ёш китобхонлар билан самимий мулоқотда бўлди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Мен бу асаримни 20 йил муқаддам ёзганман, — деди адиб. — Шунга қарамасдан асарда тилга олинган иллатлар, хусусан, ўсмирлар орасида учраб турувчи жиноят содир этиш ҳоллари ҳали ҳам мавжуд. Болалар, айниқса ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг жиноят содир этмасликлари учун биз катталар бу борадаги тарбия масаласига қаттиқ эътибор беришимиз лозим.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, республика давлат болалар кутубхонасида «Очиқ эшиклар куни» анъанага айланиб қолган. Унда бир неча мактаб ва лицей кутубхоналари мутахассисларига назарий ва амалий ёрдам бериш кўзда тутилган. Шу мақсадда бу галги тадбир давомида Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти профессор-ўқитувчиларининг маслаҳатлари ва тажрибавий хулосалари тингланди. Шунингдек, семинар иштирокчилари республика болалар кутубхонаси фаолияти билан кенгроқ танишдилар.

М. ОХУНОВА.

Спорт

ОФК Вакиллари Тошкентда

21-27 май кунлари Тошкентда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Айни кунда Осиё футбол конфедерацияси вакиллари мусобақалар ўтадиган стадионлар аҳволи билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкентда бўлиб туришибди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Чемпионат ўйинларини пойтахтимиздаги "Юнусобод" ва Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиқ" ўйингоҳларида ўтказиш режалаштирилган.

Умуман Осиё чемпионати финал қисмига ўтган турнир якунларига кўра, 13 та жамоа тўғридан-тўғри йўлланма олган. Булар қитъада етти карра чемпионликка сазовор бўлган Эрон, кумуш медаль совриндори Япония, Ўзбекистон, Қирғизистон, Таиланд, Кувайт, Тожикистон, Хитой, Ливан, Фаластин, Ироқ, Индонезия ва Хитой Тайпейи терма жамоаларидир. Қолган уч йўлланма соҳиби ўнта жамоа ўртасида ўтадиган саралаш турнридан сўнг маълум бўлади.

«Ардус» — Вице-чемпион

Мини-футбол бўйича Тошкентнинг "Ардус" жамоаси ўтган мавсум мамлакат чемпионлигини қўлга киритганди.

Яқинда Эронда ташкиллаштирилган Осиё чемпионлари кубоги ҳам пойтахтлик футболчиларга омадли келди. Улар гуруҳ бахсларида Қирғизистон ва Таиланд вакилларини мағлуб этиб, ярим финалга йўл олишди. Ярим финалда эса Япония чемпионини ҳам катта устунлик билан мағлубиятга учратишди. Ҳал қилувчи финал баҳсида Эрон чемпионларига имкониятни бой берган пойтахтлик футболчилар якунда кумуш медаллари билан тақдирланишди.

"Зарафшон" концерт залида ўтказилган матбуот анжуманида жамоа раҳбарлари журналистларга Осиё чемпионлари кубоги тафсилотлари ва келгуси режалар ҳақида гапириб бердилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортига оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича, йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг

www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- **Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.**
- **Тошкент вилоят бўлими: Тошкент ш., Олмалиқ халқа к., 1-уй, тел: 98-39-86.**
- **Сирдарё вилоят бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.**
- **Жиззах вилоят бўлими: Жиззах ш., Тошкент к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.**
- **Андижон вилоят бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.**
- **Фарғона вилоят бўлими: Фарғона ш., Ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.**
- **Наманган вилоят бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.**
- **Самарқанд вилоят бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.**
- **Навоий вилоят бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.**
- **Бухоро вилоят бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.**
- **Қашқадарё вилоят бўлими: Қарши ш., Ғузор к., 12-уй, тел: 7-00-72.**
- **Сурхондарё вилоят бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.**
- **Хоразм вилоят бўлими: Урганч ш., Хонқа к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.**
- **Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.**

«ТУРКИСТОН» ХОАТИБ

TURKISTON BANK

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

«Туркистон» банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Комила опа НАСИМОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг республика инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашма ходими

Эркин Ҳамидуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси актриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муқаддас Холиқовага акаси

Шоаҳрор ШОЖАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурининг режиссёри Фотима Қаюмхўжаевага волидаи муҳтарамаси

Зуҳрахон ая ҚАЮМХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси Нефть ва газ иши кафедраси доценти У. Д. Нурматовга падари бузруквори

ДОВУР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Қурилишматериалсаноатбутлаш» ОТАЖ жамоаси бошқарув раиси собиқ муовини

Нонбжон Маҳмудович ТУРСУНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят хўжалик суди жамоаси Тошкент вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари Мирзораҳмат Ниязметовга волидаи муҳтарамаси

РИСОЛАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Мустақил баҳолаш компанияларини «Ўзмиллийбанк»нинг қуйидаги асосий воситаларини баҳолаш бўйича (реал қийматни аниқлаш учун) тендерда қатнашишга таклиф этади:

1. "Юсуфхона" дам олиш зонаси.
2. "Чимбойлиқ" дам олиш зонаси.
3. Оққўрғон кўчасидаги Тиббиёт-санитария қисми биноси.
4. «Ўзмиллийбанк» автохўжалиги.
5. Бошқа асосий фондлар.

Тижорат таклифларини эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун ичида қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Lzakirova@central.nbu.com Лола Зокирова
Tgering@central.nbu.com Татьяна Геринг

Таклифлар 134-11-23 рақамли факс орқали жўнатилиши ҳам мумкин.

«HUQUQIY MADAD»

адвокатлик маслаҳат фирмаси

2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

"HUQUQIY MADAD" адвокатлик маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Хизматлар лицензиялаштирилган

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент кутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com

Шаҳар марказида жойлашган

«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ

қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:

* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.

Тошкент ш., Ўзбекистон к., 98-«А» уй. Тел.: 144-26-22, 395-81-23. *Мўлжал: Киночилар уйи.*

Тўйимиз — юзимиз

Болажон халқмиз. Шунинг учун ҳам тўйларимиз кўп. Тўй — ҳар бир оиланинг орзу-умидларини, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган тадбирдирки, уни ортиқча ҳашамларсиз, ихчам ва чиройли ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ҳукуматимизнинг айни мақсадга қаратилган ҳужжатлари замирида тўйларнинг бадиий жиҳатларигаям эътибор қаратиш инобатга олинган. Хўш, биз бунга қанчалик амал қилаяпмиз?

Баъзи тўйларни учтўртта қўшиқни бошдан адоғигача билмайдиган хонандалар эгаллаган. Ёки икки оғиз гапни ёдлаб олиб, уни ўн йилдан бери такрорлайдиган "давра раис"лари ҳам ҳар қадамда топилади. Маълум бир гапни тўтидай такрорлаб, биров эшитса-эшитмаса, у билан иши йўқ, аммо тўй олиб боришни ўзгага бермайдиганларга нима дейсиз?

— Яқинда шундай бир воқеа рўй берди. Тўйда даврани олиб бораётган йигитнинг гаплари ҳамроҳларимиздан бирига ёқмади. "Жуда жонга тегди-да, мана шулар, — деди у. — Нуқул бировларнинг гапини айтади, ундан кўра ўзи топиб гапирса экан!" Бир қарашда оддий кўринган бу мулоҳаза, аслида, ўйлаб кўришга арзигулик.

Халқимизда бир гап бор: "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин". Лекин, унутмайлик, ҳамма жойда ҳам "қассоб" бор деб бўлмайди. Шунинг учун аксарият ҳолларда исталган сўзга чечанроқ одамлар даврани бошқаришади, бошқачароқ қилиб айтсак, раислик қилишади. Афсуски, мана шундай ҳолатларда кўпинча муаммо туғилади, яъни меҳмонларни зериктириш юзага келади. Тўй ёки бошқа маросимларимиз концертга айланмаслиги лозим, бироқ, қўп-қуруқ ўтмаслиги ҳам керак. Ахир инсон доим орзу билан яшайди: йиғиниб бир тўй қилганда унинг орзу-ҳавасларини чиройли қилиб айтиш учун ҳам албатта даврани бошқараётган одам дид-фаросатли бўлиши шарт. Шунингдек у ўз устида ишлаши, изланиши даркор.

Хўш, бунинг учун у нималарга эътибор бериши лозим?

Аввало, давра бошқарувчи маданиятли бўлиши шарт. Зеро, тўйларда ҳар хил одам ўтиради. Бировга ёққан гап, иккинчи бировга ўтиришмайди. Яна бировнинг кўнглига хуш ёққан монолог бошқа кишининг қалб ярасини янгилаши мумкин. Мен бу гапни бекорга айтаётганим йўқ.

"Бир куни келин-куёвнинг тўйида базмнинг ўрталарига бориб, оналар ҳақидаги монологни ўқидим. Ва тугатиб бўлгач, ниҳоятда ҳижолат тортдим. Чунки куёвнинг онаси мени четга имлаб, шундай деди: "Ука, раҳмат, тўйни яхши олиб боракансиз, бироқ, мен тирикман-ку, нега ўлганлар ҳақида шеър ўқийсиз?.." Мен аёлга ҳеч нарса демадим, деёлмадим ва бунга ҳожат ҳам йўқ эди". Бу тўйларда раислик қиладиган бир танишимизнинг гапи. Ҳақиқат шуки, даврага мослаб гап айтиш керак.

Шунингдек, тўйларда, ўзининг бирорта тайинли қўшиғи йўқ "бирровчилар" кўпайиб кетди. Бирровда асосан машҳур, атоқли санъаткорлар юради. Тўйга келган ёш санъаткорларимиз эса навбат берилишини шунчалик бетоқат, асабий ҳолатда кутишадики, буни худди кўпкари майдонига ошиқаётган отнинг ҳолатига қиёслаш мумкин. Лекин қўшиқ айтиш от чопиш эмас-ку! Ёшларимиз бундай пайтда ўзларини қанақа тутиш кераклигини, санъат ва саҳна одобини ўрганишлари шарт. Биз эшитганмизки, атоқли санъаткор Таваккал Қодиров ҳар қанча таклиф қилсалар-да, устозлари бор жойда саҳнага чиқмас экан. Ҳозир эса, бирровда ардоқли санъаткорларга пешвоз чиқиш у ёқда турсин, уларнинг юзига оёқ қўядиганлар ҳам бор. Яна бир нарса. Даврага, масалан, Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ёки бошқа бир устоз санъаткор кириб келса, ассалому алайкум, устоз, дейишга айрим ёшларимизнинг тили айланмайди ҳам...

Ушбу масалаларга эътибор қаратар эканмиз, кези келганда таклифларимизни ҳам ўртага ташлашни жоиз билдик.

Санъат институтида саҳна маданияти бўйича сабоқ берилади. Балки, давра маданияти ҳақида маърузалар ташкил қилиш керакдир. "Тўй ёхуд... уйингизда тўй" қабилида шоу тайёрлаб, урф-одатларимизни тиклаш ва тарғиб этиш зарур. Шунингдек, "Ўртакашлар базми", дизайнер ва модельерлар билан "Тўй либослари" деган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу гапларни шунинг учун айтаяпмизки, биз, санъаткор сифатида жойларда кўп юрамиз. Юртимиздаги чекка-чекка туманларда, қишлоқлардаги тўйларда, йиғинларда бўлганимизда, истеъдодли йигит-қизларни кўп учратамиз. Уларни қўллаб-қувватлаш учун TV ва радио қошида юқорида таъкидланган фикрларни амалга ошириш айни муддаодир. Шунда биз тўйларимизнинг миллийлигига, уларда урф-одатларимизнинг кенгроқ акс этишига эришган бўлардик.

Шу кунларга етказганига шукур.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Оддий мўъжиза

Ишдан қайтаётган Раҳим уйи ёнида кичкинагина кучукчани кўриб қолди. Итнинг ҳаммаёғи лой, расво. Совуқдан қалтираб турарди. Раҳим — раҳмдил йигит. У кучукчани уйига олиб кириб, овқат едирди. Ҳатто кечаси ёнида олиб ётди.

Эрталаб... Раҳимжон кўзини очди-ю, ҳайратдан гангиб қолди. Унинг ёнида ит ўрнида гўзал қиз ётарди. Қиз тилга кириб:

— Кўрқма йигит, мен бир бойнинг ёлғиз қизи эдим. Мени ёвуз жодугар итга айлантириб қўйган эди. Сенинг меҳринг мени аслимга қайтарди, — дебди.

Улар оила қуришди. Воқеани эшитган Раҳимнинг дўсти Кабир ич-ичидан куйиб, омадини, бахтини қидириб кечалари кўчада юрадиган одат чиқарди. Учраган итни уйига олиб келар, эрталаб эса ёнида ит ётганини кўриб фиғони фалакка чиқарди. Ва ниҳоят, у бундай бахт ҳар кимгаям насиб этмаслигини тушуниб, бир қиз билан танишиб, унга уйланибди. Эрталаб уйғонса, хотинининг ўрнида ит ётибди.

— Кўрқма йигит, — дебди ит. — Мен бир бойнинг ити эдим. Мени жодугар қизга айлантириб қўйган эди. Сенинг ҳасадинг мени аслимга қайтарди.

Тўғри, бу — эртакнамо гап. Лекин ҳар қандай эртакдаям ҳақиқат бор!

GURUNG

Хабарингиз бор, "Гурунг"нинг бир нечта саҳифасини ёзувчилар тайёрлаб келмоқда. Қувонарлиси шундаки, энди бу саҳифани тайёрлаш учун муаллифларимиз сони тобора ортиб, улар сафига шоиру шифокорлар, санъаткорлар қўшилмоқда. Хусусан, бугунги "Гурунг"ни қизиқчи, санъатшунослик фанлари номзоди, "Ҳандалак" ҳажвий кўрсатуви муаллифи Ортиқ СУЛТОНОВ ғояси асосида Мақсуд Жонихонов тайёрлади.

Дарахтдаги тилла

Отага қараганда, кўпроқ онани улуғлаймиз. Илло муқаддас китобларда ҳам онанг билан отанг бир вақтда чақиришса, аввал онангга қара, дейилган. Шоҳниям, гадониям, ҳатто пайғамбарларниям она дунёга келтиради. Она — она бўлгани учун, она — аёл бўлгани учун ҳам ҳар қанча мақтову, улуғлашга лойиқдир.

Лекин ҳозир оталар ҳақида бир ривоят эсга тушади.

Қадимда қариб қолган оталарни чўлу биёбонга чиқариб ташлаш одати бор экан. Бир йигит отасини чўлу биёбонга ташлаб келгани кетаётганда йўлдаги тош устига ўтириб нафас ростлади.

Ота кулди.

Ўғил сўради:

— Эй, ота, мен сизни чўлга ташлаб келмоқчиман. Нега кулаяпсиз?

Ота айтди:

— Ўғлим, мен ҳам сендай пайтимда отамни ташлаб келгани кетаётиб, шу тош устида нафас ростлагандим.

Йигит бу гапдан таъсирланиб отасини уйига қайтариб келибди. Эртаси бутун шаҳарда гап тарқайди: "Фалон ҳовузнинг тагида тилла бору ҳеч ким ололмаяпти. Олиб чиққанга мукофот бор". Йигит отасига бу гапни етказади. Ота бир он ўйлаб: "Шу ҳовуз атрофида дарахт бор, тилла дарахтнинг устида", — дейди ва чинданам шундай бўлиб чиқади.

Йигит отасидан бу сирни қаердан билганлигини сўраганида, отаси жавоб беради: "Мен бир пайтлар эл орасида расм бўлган одатга қарши бориб, отамни биёбондан қайтариб олиб келганман. Сирни менга отам айтган". Шундан кейин оталарни хору зор қилиш зулмига чек қўйилган экан.

Интилганга толе ёр

Менимча, ҳар бир ижодкорнинг ўз тадқиқот объекти бўлиши керак. Мени масалан, инсонларнинг дунёқараши кўпроқ қизиқтиради. Инсонни инсондан, ижодкорни ижодкордан, халқни халқдан, борингки, миллатни миллатдан фарқлайдиган жиҳати ҳам шу — дунёқараш бўлса, ажаб эмас.

Бугунги кун ҳақида гапирар экансан, мустақиллик шарофати ҳақида ўйлайсан. Бу имкониятларни дунёқарашимиз қандай қабул қилаяпти, улардан қандай фойдаланяпмиз?

Энг оддий мисол: чет элга чиқиш. Дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўринг, кеча қўшни вилоятга, ҳатто пойтахтга бормаган одам бугун дунёнинг турли манзилига — Эрон, Арабистон, Корея, Америкада юрибди. Лекин у Америкада ҳам худди ўз қишлоғида юргандек юрибди. Уни кўриб хорижлик ҳам: "Ана ўзбек!" дейди.

Кўраяпсизми?.. Уни кўриб миллатга баҳо бераяпти... Ҳар биримиз чет элда миллат вакилига айланамиз. Бу фикр унинг тушигаям кирмайди! Яна келади-да, "Й-ў-ўқ, биз улардек бўлолмаймиз" дейди. Тўғри, бўлолмаймиз. Чунки улар ҳам биздек бўлолмайди. Биз уларга ҳавас қилсак, улар бизга икки карра ҳавас билан қарайди.

Бир-биримизга ҳавас қиламиз.

Чунки бошқа-бошқамиз.

Масалан, аёлга нисбатан муносабатни олиб кўрайлик.

Чет элда бирор аёл билан учрашилганда: "Сиз бугун ҳар кунгидан ҳам гўзалсиз", — дейилса, аёл: "Раҳмат, жуда эътиборли жаноб экансиз", — дейди. Биздаги бирор аёлга, борингки, ҳар куни кўриб юрадиган қўшнингизнинг хотинига: "Сиз бугун ҳар кунгидан ҳам гўзалсиз", — денг. Шунақанги қиёмат бошланадики...

Аёллар ҳақида гап кетганда, ногаҳон кўз ўнгингда мода гавдаланади.

"Аёллар модадан бир қадам ортда юрмоғи керак", — деган эди машҳур модельер К. Диор. Кийганинг ўзингга ярашса, шу мода! Айрим аёлларимиз тушуниб-тушунмай Европага тақлид қилишаяпти. Масалан, мен атлас кўйлак ҳамда дўппи кийган француз ёки немис аёлини кўрганим йўқ. Улар ўз миллий либосига садоқатли. Тўғри, Европа ютуқларидан фойдаланиш керак, лекин инсоф билан, шунда миллийлик ҳам сақланади-да!

Эркаклар ҳақидаям гапиришимиз керак. Чунки бу масалада биз, эркаклар аллақачон аёлларни қувиб ўтганмиз. Кўчада калта иштон (шортик) кийиб юрган эркакларни Афанди кўриб қолса борми...

Афанди эски кийимда тўйга борса, ҳеч ким эътибор бермабди. Бориб янгисини кийиб келса, тўрга ўтқазишибди. Шунда Афанди дастурхондаги таомлардан олиб чўнтагига тиқаверибди.

Атрофдагилар: "Ҳа, тинчликми?" дейишса, ҳурмат кийимга бўлган, шу есин, — деган экан.

Замон ўзгараяпти. Ўзгаришларнинг ҳаммасини кўраяпмиз. Энг муҳими, арзимаган нарсалар учун соатлаб навбатда туриш йўқ! Ҳамма нарса бор, бемалол, фақат пул бўлса бўлди. Илгари ҳафтада бир куни бозор бўларди... Ҳозир отанг бозор — онанг бозор, ҳафтада етти кун бозор. Кундузи етмагандай, кечаларям бозор...

Японияликлар заррабин билан кўрадиган даражадаги бурганинг ҳайкалини тиллодан ясаб бизга жўнатишибди. Буни кўриб, бизникилар ҳечам ҳайратланишмабди: бурганинг оёғини осмондан қилиб, олтита оёғига кумушдан нағал қоқиб, қайтариб юборишибди.

Биз буюк топоғон, ихтирочи халқмиз. Бугун имкониятлар шунчалик каттаки, гап энди ундан фойдалана билишда. Фойдалана билганлар яшаяпти!

Реклама ва эълонлар

Янги давр туфайли ҳаётимизга кўплаб янгиликлар кириб келди. Бугунги кунимизнинг энг ёрқин янгилиги, реклама ва эълонлар десак, янглишмаймиз. Ҳозир хоҳлаган симёғоч эҳтиёжингизни қондиради. Шу автобекат сўзиям бироз эскиргандай. "Автобус тўхтайдиган рекламалар бекати" ёки "рекламалар бекати, автобус ҳам тўхтайди", — дейиш керакмикан?!

Демак, ўқиймиз:

"Саёҳат" кафеси ёнидаги кўп қаватли бинонинг 4-қаватидаги уй тез ва арзон сотилади". Кейин харидорни жалб этувчи турли баҳоналар ўйлаб топилади. Масалан: "Иссиқ-совуқ сув доим бор!"

— Ака, қиммат сўрамаяпсизми?

— Бу уй бебаҳо. Қўшни керакли одам!"

Аёллар тўқиган реклама ва эълонлар ўз мантиғи билан ажралиб туради.

Бир аёл эълон берибди: "Шу ўлгур ичмайдиган, чекмайдиган бўлса..." Эшик тақиллабди, очса, бир эркак шунақа ичганки, оёқда зўрға турибди, оғзида папирос.

— Сиз эълон берганмидингиз?

— Ҳа, лекин ичмайдиган, чекмайдиган дегандим. Ё сиз ичиш, чекишни ташламоқчимисиз? — дебди.

— Йўқ, ташлаш ниятим йўқ. Келишимдан мақсад, сизни огоҳлантириб қўяй, мабодо мендан умидвор бўлманг, — дермиш".

"Қора бульдог итим йўқолди. Топилмаса, чуқур ҳамдардлик билдириш учун телефоним..."

Корхона эшигидаги эълон: "Тушлик қилгани кетдим, эртага келаман". Бу эрталабгача тушлик қилса, кечкисини қачон еркан?..

Янги очилган офис олдидаги эълон: "Қўл етмайдиган жойларнинг чангини артиш учун узун бўйли қизлар ишга таклиф этилади".

"Табобат илмининг билимдони Эшбадал табиб соч тўкилишига қарши дори сотади. Ичасиз: битта кал камаяди".

Реклама ва эълонлар шаҳардан қишлоқларимизга ҳам шиддат билан етиб келмоқда:

"Кейинги ҳафтадан бошлаб, қишлоғимиз тўйларида:

а) эри бор аёлларни даврага ўйинга тортиш;

б) отарчиларга юз сўмдан ортиқ пул қистириш;

в) жанжал чиққанда улфат бошига бўшамаган шиша билан уриш тақиқланади".

ХУСУСИЙ РЕКЛАМАЛАР:

"Нормат миробнинг қизига мен совчи қўйдим. Орага тумшуқ суқканни арчиб ташлайман.

Эшмат"

"Жингалак соч кўчати сотаман.

Тошмат"

«Ҳандалак» ҳангомалари

Бозор. Зокир Очилдиев — сотувчи. Ортиқ Султонов — харидор.

Ортиқ: — Ака бу шерстми ё синтетиками?

Зокир: — Бу юз фоиз шерсть.

Ортиқ: — Нега унда манави қоғозга "Юз фоиз синтетика" деб ёзиб қўйилган.

Зокир: — Бу шунчаки куяни чалғитиш учун!

***

Зокир: — Ондатра сотаман, Ондатра!

Ортиқ: — Ҳов менга қаранг, бу телпак итнинг жуниданми?

Зокир: — Ҳа, шундай!

Ортиқ: — Нима шундай?

Зокир: — Телпакка жуни ишлатилган итнинг номи Ондатра эди.

***

Бозорда қатиқфуруш олдида.

Зокир: — Энг зўрини беринг.

Сотувчи: — Мана, қаймоқдек...

Зокир: — Тўхтанг, қаймоқдек бўлса, яхшиси қаймоқ еб кўя қоламиз... Қаймоқ.

Сотувчи:— Мана ёғдек қаймоқ.

Зокир: — Ёғдек... Ёғ беринг.

Сотувчи: — Мана ёғ. Мусаффолигини қаранг, сувдек тиниқ...

Зокир: — Сувдек... Сув беринг.

Сотувчи: — Мана қишлоғимизнинг мусаффо ҳавосидек.

Зокир: — Тўхтанг... Соф ҳаво бўлса кетдик. Юринг, соф ҳаво менинг боғимда!

ЯНА КЎРИШГУНЧА ...

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.45 · 1 2 3 5 6